

«Сервантес» отели унга кўпларга маъкул келмайдиган жихатлари – нимкоронгилиги, жимжитлиги ва хилватлиги билан ёкиб тушди. Кемада тасодифан йўликкан бир йўловчи унга ушбу отелни мактаган ҳамда мусофирхона марказда жойлашганлигини айтган эди; шундай қилиб, Петроне Монтевидеога келиб колди, тўгри иккинчи кават холлига олиб чиқадиган ваннали номерни олди. У тахтага осиглик калитларга кўзи тушаркан, отелнинг деярли бўм-бўш эканлигини пайкади. Турувчилар чўнтақларига солиб жўнамасинлар учун хар битта калитга каттакон мис ракам илинган эди.

Лифт шундок журналлар ҳамда телефонлар рўйхати кўйилган пештахта ёнганасида, у кўнган хона эшигидан атиги бир неча кадам нарида тўхтарди. Сув жуда иссик келаркан, баъзан кайнаб кетаёзади, бу эса дим ва гира-шира хонага бир оз бўлса-да, жон багишлагандай бўлади. Жажжигина дарча шундок мусофирхонага туташ кинотеатр биниси томига олиб чиқади, ахён-ахён у ерда каптар сайр қилиб қолади. Ваннахона кишининг бахридигани очар, деразаси ҳам каттарок эди, лекин шуниси ҳам борки, бу ерга киришинг билан кўзинг деворга тушади, ойнадан кўзга ташланган бир парча осмон ҳам бу манзарага нолейик кўринади. Мебел унга маъкул тушди – кутилар ва тоқчалар мўл, кийим илгичлар ҳам кўп – бунакаси камдан-кам учрайди.

Отел бошқарувчиси – дароз, орик, калбош – тилла гардишли кўзойнак таккан одам аксарият уругвайликлар каби унинг ҳам овози баланд эди, гапирганида жаранглаб кетарди. У иккинчи кават жуда тинч-осойишталиги, факат кўшни хона бандлиги ҳамда номерда истикомат қилаётган аёл хизматдан кеч қайтишини айтди. Петроне келганининг эртаси куни кўшни аёл билан тўкнашиб колди; уни каттакон тангани ушлагандай кўлида ўйнаган калит ракамидан таниб олди. Порте1 уларнинг икковидан калитларини олди, тахтага илди ва аёл билан хатлар хақида гаплашди. Петроне разм солиб, аёлнинг ёшгина ва кўримсиз эканлиги ва шу ерлик аёллар каби яхши кийинмаганлигини сизди. Унинг тахминига кўра, кадама накш етказиб берувчилар билан шартнома тузиш учун бир хафтача вақт кетарди. Кечга бориб у нарсаларини олиб, жойлади, коғозларини тахлади, ваннага тушди ва бир айланиб келай, деб кўчага чикди, сўнгра идора томонга йўл олди. Кахвахонадаги енгилгина майхўрлигу бир хонадондаги зиёфат билан ўтган музокаралар қок ярим тунга қадар давом этди. Уни отелга соат иккиларда олиб келиб ташлашди. У азбаройи чарчаганидан бирпасда донг қотиб ухлаб колди. Соат тўққиз деганда ўрнидан турди, кўзларидан хали уйку кетмаган дақиқаларда ярим кечаси уни қандайдир гўдак йигиси безовта қилганига хаёли кетди.

Кетиши олдидан бирпас порте билан гаплашди (порте немисча талаффузда гапирарди), ундан автобус йўналишлари ҳамда кўчалар номларини сўраб олгач, номерига чиқадиган холлни лоқайд кўздан кечирди. Уники ва кўшни номер эшиги ўртасига кўйилган тақкурсида Венера Милосскаянинг гарибона нусхаси турарди. Сал нарироқда, ҳаммаёқдагидай кресло ва журнал столлари кўйилган ён томондан мехмонларга мўлжалланган мўъжазгина хонага ўтиларди. Одамларнинг гангир-гунгир овозлари тингач, сукунат гўё ховучлаб сочилган кул сингари мебеллар ва пол катақларига тўкилиб, сингиб кетарди. Лифт сабрсизлик билан қалдир-қулдур қилар, худди шундай газета ҳам тажанг шитирлар ёки гугурт «чирк» этиб қакиларди.

Йигилиш кечга бориб тарқади. Петроне 18 июл кўчаси бўйлаб сайр этди, сўнгра Мустақиллик майдонидаги кахвахонада тамадди қилди. Хамма ишлари кўнгилдагидай кетмоқда, эхтимол, у ўзи чамалаганидай, Аргентинага эртарок қайтиши ҳам мумкин эди.

У Аргентинада чикадиган газета ва бир кути ингичка кора сигаралардан сотиб олди-да, отелга жўнади. Отел ёнидаги кинотеатрда иккита таниш филм кетаётган экан, аммо унинг кино кўриш тугул, бирон ёкка боришга ҳам истаги бўлмади. Бошқарувчи у билан сўрашди-да, яна чойшаблар керак эмасми, деб сўради. Улар гаплашиб ўтирдилар, чекишдилар ва хайрлашдилар.

Петроне ётиш олдидан ёнида олиб келган когозларни тартибга солди, кейин эринчоклик билан газета кўра бошлади. Мехмонхона жимжитлиги кишини зик килиб юборарди; ахён-ахён Сориано кўчасидан ўтган трамвайлар тарака-туруги бир лахзага ана шу жимликни бузарди-ю, яна атрофга тошдай огир сукунат чўкарди. Петроне хотиржамгина, йўк, токатсизлик билан газетани саватга улоктирди ва локайд кўзгуга караганча ечинди. Анча эскиб колган кўзгули жавон кўшни номерга кириладиган эшикни тўсиб турарди. Петроне бу эшикка кўзи тушиб, нега уни олдинроқ пайкамаганига хайрон бўлди. У шунда ушбу бино отел учун мўлжалланмаганлигини англади: бунака оддий мехмонхоналар учун илгари идора ва хонадон бўлган бинолардан фойдаланилади. Ха, у кўнган жой борки (у сафарга кўп чикарди), хаммаёкда шундай берк эшиклар учрарди, баъзан эшиклар ҳеч нарса билан яширилмаган, баъзан эса жавон, стол ёки кийим илгич билан тўсилган бўларди, бу худди кўкрагиними, корниними кўллари билан яширган аёл холатини эслатарди. Барибир яширсанг-яширмасанг, эшик жойида турар, жавон устидан каккайиб кўриниб турарди. Качонлардир шу эшикдан киришган, ёпишган, «тарс» этказиб очишган, унга хаёт багишлашган, хозир ҳам унинг тавакалари деворга ўхшамай, ўзининг эшик эканлигини билдириб турарди. Петроне ана шу эшик ортидан – бошка жавон кўйилгандир, деб фараз килди, балки кўшни аёл ҳам ана шу эшик хакида ўйлаётгандир, деб ўйлади.

У хориб-чарчамаган бўлса-да, донг котиб ухлаб колди ва шу ётишида уч соат ухлади, бироқ юрагида кандайдир гулгула билан бирор нохуш воқеа юз бергандай уйғониб кетди. Туриб, чирокни ёкди, соатга каради – икки ярим бўлибди, яна чирокни ўчирди. Шунда кўшни номерда чакалок йиглади.

Аввалига ҳеч нимага тушунмади, хаттоки кувониб ҳам кетди – демак, кеча унга бола йигиси тинчлик бермаган экан-да. Хаммаси равшан, янглишмабди, энди бемалол ухлайверса бўлади. Лекин шу пайт хаёлига бошка фикр келди; Петроне аста ўтириб олди-да, чирокни ёкмай, диққат билан кулок тутди. Ха, йиги ўша ёқдан, эшик ортидан эшитилмокда эди. Йиги эшик тиркишларидан ўтиб, каравот оёқларига келиб урилмокда эди. Бу нимаси бўлди? Уёқда канакасига бола бўлсин, бошқарувчи айтди-ку ахир, ўша номерда биргина аёл бор – унинг ҳам кун ишхонада ўтади. Балки аёл бирор кариндошинингми ёки дугонасинингми боласини ўзи билан бирга олиб келгандир... Кеча-чи? Хозир у кеча ҳам айнан шундай, гўдак ноласидан бошка ҳеч бир нарсага ўхшамайдиган йигини эшитганлигини англади: гўё бирор жойи огриётгандай, ингиллаган, узиб-узиб, хўрсиниб арзи дод килган гўдак овози эди бу. Балки гўдак бир неча ойлик бўлгандир – одатда янги тугилган чакалоklar бигиллаб йиглаб, котиб колади. Петроне нима учундир гўдакни – албатта ўгил бола деб, ночоргина, нимжон, аранг кимирлайдиган, буришиб-тиришган чакалок деб тасаввур килди. Мана, у кечалари зорланади, ўзи касал, бировнинг эътиборини тортмайгина аста ингиллайди. Агар ана шу эшик бўлмаганида эди, бола хакида ҳеч ким ҳеч нимани билмасди – боланинг оху ноласига ҳеч қандай юрак дош беролмайди, буни таърифлаб ҳам бўлмайди.

Петроне нонушта килиб, сигара чекаркан, яна болага хаёли кетди. Алок-чалок ўтган тунлар кундузи ишлашга халакит беради, яна-тагин йиги уни кечаси икки марта уйғотиб

юборди. Иккинчи марта аввалгисидан баттаррок бўлди: аёлнинг – жуда паст, жўрттага килгандай, аник-тиник овози – янада халакит берди. Гўдак овози бир дакикага тинди, яна киска-киска ингрок расмана аччик арзи додга айланди. Яна аёл тушунарсиз сўзларни пичирлади, жисми-жони азобда бўлган, хаёт ё ўлим талвасасида ётган чакалогини бари оналар каби обболаб, овутди, дуо килди, жонини кўйгин, дея Худодан сўради.

«Хаммаси жойида, аммо-лекин бошқарувчи мени бошлаб лакиллатибди», деб ўйлади Петроне хонадан чиқаркан. Бу ёлгон уни азбаройи газаблантириб юборди, буни яшириб ҳам ўтирмади. Бирок бошқарувчи хайратидан ёка ушлади.

– Бола дейсизми? Янглишмаяпсиизмикин. Мехмонхонамизда эмизикли болалар йўк.

Ёнингиздаги номерда – ёлгиз хоним туради, мен буни сизга айтгандим-ку ахир.

Петроне дарров жавоб кайтармади. Бу икки нарсадан бири бўлиши мумкин: ё хафтафахм бошқарувчи найранг кияпти, ёки бу ернинг акустикаси кўпол хазил килиб, у билан ўйнашпти. Сухбатдоши худди буларнинг бари унинг ҳам гашига теккандай, зимдан кўз кирини ташлади. «Ехтимол мени кўркканидан бошка номерга ўтказинглар, деб талаб килишга журъат килолмаяпти, деб хаёл килаётгандир», – деб ўйлади Петроне. Катъиян барини инкор килиб туришса, гапингни маъкуллатишдан фойда йўк. Петроне елкасини кисди ва газета сўради.

– Балки тушдир, – деди у. Буни гапиришга, умуман, тушунтириб беришга тўғри келгани унга ёкмади.

Кабареда киши ўлгудай хит бўлиб, зерикди, дастурхон атрофида ўтирган икки мезбон мулозамати жуда суст бўлди, шу сабабли Петроне чарчадим, дея бахона килди-ю, мехмонхона томон равона бўлди. Шартномага эртаси куни имзо чекадиган бўлдилар: умуман олганда, у ишларини битирди.

Вестибюл шундай жимжит эдики, у ўзи ҳам билмаган холда оёқлари учида юрди.

Каравотда окшомги газета ва уйидан жўнатилган мактуб ётарди. У хотинининг дастхатини таниди.

Петроне уйкуга ётишдан аввал жавонни ва ундан тепада туртиб чиқиб турган эшикни узок кўздан кечирди. Агар жавон устига иккита чамадон кўйилса, тамом, девор кўздан йўколади, кейин овозлар ҳам унча эшитилмайди. Бу пайтда, аввалгидай, сукунат хукм суради. Отел уйкуга кетганди; нарса-буюмлар ҳам, одамлар ҳам уйкуда эди. Лекин кўнгли безовта Петроне учун бари нимагадир ишора килгандай – бу ерда кандайдир нохушлик бордай, хамма ҳам ухламаётгандай, ана шу сукунат замиридан ниманидир кутаётгандай туюлиб кетди. Ичидаги таъриф килиб бўлмас кўркув уйга ҳам, одамларга ҳам кўчиб ўтаётганга ўхшарди, улар ҳам ўз номерларида бикиниб, ухламай ўтирибдилар. Кандай тентаклик-а!

Соат учда бола йигисини бошлади, Петроне бунга унча ажабланмади. У каддини бир оз кўтарди, балки коровулни чакирсаммикин, деб ўйлади – бунака шароитда ухлаб бўлмаслигига у гувоҳ бўла колсин. Бола аста йиглар, овози аранг эшитиларди, гоҳо бир оз жимиб коларди, бирок Петроне йиги хозир яна авжига чиқишини биларди. Орадан ўн-ўн икки сония имиллаб ўтди, бир он нимадир хир-хир килди, кейин заифгина чий-чий овоз бирдан кулокни тешиб юборгудай бигиллади.

Петроне чекди ва аёл чакалогини тебратиб овутсин, деб деворни аста чертсаммикин, деб хаёл ҳам килди. Шунда бирдан аёлга ҳам, бошқарувчига ҳам ишонолмаслигини тушуниб етди – ажабланарли томони шунда эдики, у бошқарувчининг алдаганига ҳам ишонмасди. Боласини сабот билан овутиб, аста койиган аёл овози гўдак йигисини босиб

кетарди. Аёл чакалогини аллалаб, овутмокда эди, шунда Петроне унинг каравотча тепасида кандай ўтиргани ёки беланчак тебратаётгани, ё боласини кандай багрига олаётганини тасаввур килди. Лекин у бошқарувчининг ишонтириб айтган сўзлари хис-туйгулар гувоҳлигининг устун чиқишига олиб келганлигини сира аклига сигдиролмаётган эди. Вакт ўтмокда, гўдак зорланиши гоҳ тиниб, гоҳ бу нола аёлнинг пичир-пичирини босиб кетмокда эди. Петроненинг назарида, бу – майнавозчиликка, бир ўйинга, ёввойиларча бемаъни ўйинга ўхшаб кетди. Шунда у пана-панада кўгирчок ўйнайдиган бефарзанд аёллар, уларнинг жиянлари ёки жониворларни яхши кўриб, шулар билан овунишларидан кўра хатарли бўлган, оналикни ихтиёр этган, шунга интилган, хаёлий, ёлгондакам оналик хақида эшитган гаплари, мишмишларни хотирлади. Аёлнинг ўзи, ўзгинаси зорланяпти, нола киляпти, инграяпти – бола эса йўк. У йўк болани аллалаб, беланчак тебратаяпти, у бўм-бўшликни аллаяпти, чинакамига кўзёш тўкяпти, ахир шундай аёл риёкорлик кила олармикин – унинг кўнглида кайгу, бўм-бўш хонада кайгу бўлса, бепарво оқариб келаётган тонгни кайгу билан карши олса...

Петроне чирокни ёқди – ухлаёлмади – кейин ўйлади: нима килса бўлади? Бутунлай рухи тушиб кетди, ана шу ўйинга, сохталикка рўбарў келиб ҳам рухи тушмасинми? Бу воқеа ана шу тонг отиши олдида рўй берди, бу воқеа хақиқат ва айни пайтда тоқат килиб бўлмас даражада ёлгон эди. Бунинг тагига етиш учун деворни тақиллатиш камлик киларди. У хали уйкудан уйгонганича йўк, гарчанд яхши ухлолмаган бўлса-да, бирдан астагина чанг эшик қолиб, жавонни сураётганини пайқади.

У оёк яланг, пижамада – худди мингоёк каби бутун бадани билан эшикка қапишиб олди ва чанг босиб ётган карагай оғоч тавақаларга лабларини босди ва худди анави кўринмас чакалок каби чириллаб йиглаб юборди. У янада каттиқрок хўнграб йиглади, йиглайвериб, нафаси оғзига тикилди, йиглайвериб котиб қолди. Бирдан бир лахза ичида шиппакларнинг шарақлаши ва бўрондан дарак берган, гўё таранг тор узилган каби аёл кишининг хайкириб юборган оний фарёди қулогига чалинди.

Соат ўнлардан ошгач, порте ёнидан ўтди. Бундан олдинроқ, соат тўққизларда у порте ҳамда яна бир аёлнинг овозини эшитди, яна аллаким девор ортида нарсаларни сурди. Хозир лифт олдида сафар кутиси ва иккита катта чамадонга кўзи тушди. Бошқарувчи, аниқ доводи раб қолди.

– Уйкуга кондингизми? – деб сўради у шунчаки хизмат юзасидан, ўзининг эътиборсизлигини зўрга яшириб.

Петроне елкасини қисди. Суриштириб, билишининг хожати йўк, барибир эртага кетади.

– Бугун тинч ухлайдиган бўлдингиз, – деди бошқарувчи нарсаларга имо қилиб, – кўшнингиз бир соатдан кейин жўнаб кетяпти.

Бошқарувчи жавоб қутди, шунда Петроне уни нигоҳи билан маъқуллади.

– Шу ерда туппа-тузук яшаб турувди, мана – кетяпти. Аёлларга тушуниб бўлмайди ўзи.

– Тўғри, – деди Петроне. – Уларни тушуниш қийин.

Гарчанд у соппа-соғ бўлса-да, кўчада чайқалиб кетди. У аччиқ қахва хўпларқан, ишларини унутиб, ёп-ёруғ кундузни ҳам сезмай, ҳамон ўша ҳақда ўйламокда эди. Кўшни номердаги аёл унинг, Петроненинг дастидан кўркувдан талвасага тушиб, кетиб қолди.

«Бу ерда туппа-тузук яшаб турувди...» Эҳтимол қасалдир, аммо – беозор эди бечора. Аёл эмас, унинг ўзи кетиши керак эди аслида. Аёл билан гаплашиб кўриш, кечирим сўраш, қолишга кўндириш, бировга мик этмасликка сўз бериш керак. У орқасига қайтди, тўхтади. Йўк, бундай қилса, телбалик бўлади, аёл унинг сўзларини тўғри тушунмайди. Яна-тагин ишбилармонлар билан учрашувга борадиган вақти ҳам бўлди – уларни қуттириб қўйиш

нокулай. Баттар бўлсин, билганини килмайдими менга деса. Кип-кизил жинни. Бошка отелни топади-да, йўк чакалогини аллалаб ўтираверади.

Тун яна уни азобга кўйди, жимжитликка-ку, токат килиб бўлмади. У кайтишида беихтиёр калитлар тахтасига каради, унда кўшни номер калити кўринмади. Тўсиги ортида эснаб ўтирган порте билан бирпас гаплашиб, номерига келди, ухлай олишига унча кўзи етмай, столга окшомги газеталар ва янги детектив китобни кўйди, чамадонини жойлади, когозларини тартибга солди. Хаво иссик бўлди, у деразани ланг очди. Озода, саришта тўшак унга нокулай туюлди. Нихоят атрофга сукут чўкди, у тарашадай котиб ухлаши мумкин эди – лекин ухлолмади: тўшакда уёкдан-буёкка ағдарилди, осойишталик – ўша, ўзи шундай устомонлик билан эришган, шундай интиком билан кайтариб берилган сукунат уни энди эзгандан эзмокда эди! Аччик, истехзоли овоз кулогига, гўдак йигисисиз ухлай олмайсан хам, уйгонолмайсан хам, дея шивирлади. Йиги етишмаётган эди, орадан бир оз вақт ўтди, у михлаб ташланган эшик ортида заиф, кадрдон овозни эшитди, шунда кўркув аралаш, кочиш истагига хамоханг – аёлнинг алдамаганлигини англади, чакалогим ниҳоят йигисини бас килармикин, дея боласини аллалаб, овутиб, беланчагини тебратган аёл ҳақ бўлиб чиқди, улар – энди ухлаб колдилар.

Рус тилидан Маъсума АХМЕДОВА таржимаси.